

## **БОЛАЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШДАГИ НУҚСОНЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**М.А.Деконов**

*Суд-тиббий экспертиза Республика илмий-амалий  
марказининг Андижон филиали*

**Аннотация:** Болаларга тиббий ёрдам күрсатилиши юзасидан ўтказилган комиссион суд-тиббий экспертизалар материаллари таҳлил қилинган. Камчиликлар кўпроқ гўдакларга тиббий ёрдам күрсатилишида, педиатр, умумий амалиёт шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлар томонидан, қишлоқ врачлик пунктлари ва туман шифохоналарида йўл қўйилган. Нуқсонлар асосан даволаши, диагностика муолажаларида субъектив сабабларга кўра вужудга келиб, беморлар ўлимининг юза келишида салмоқли таъсир кўрсатган. Болаларга тиббий ёрдам күрсатилиши сифатини яхшилашда экспертиза материаллари таҳлили натижаларидан фойдаланиши лозимлиги таъкидланган.

**Таянч сўзлар:** болаларга тиббий ёрдам, комиссион суд-тиббий экспертиза.

**М.А.Деконов**

*Особенности дефектов оказания медицинской помощи детям*

**Аннотация:** Проведен анализ материалов комиссионных судебно-медицинских экспертиз, связанных с оказанием медицинской помощи детям. Недостатки чаще допускались при оказании медицинской помощи младенцам, педиатрами, врачами общей практики и средними медицинскими работниками, в сельских врачебных пунктах и районных больницах. Большинство дефектов было связано с проведением лечебных, диагностических процедур, возникло по субъективным причинам и оказало существенное влияние в наступлении смерти пациентов. Подчеркивается необходимость использования результатов анализа материалов экспертиз для повышения качества оказания медицинской помощи детям.

**Ключевые слова:** медицинская помощь детям, комиссионная судебно-медицинская экспертиза.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотлар фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга доир конституциявий хуқуқларини таъминлашга қаратилган. Бу борада болаларга тиббий ёрдам күрсатиш сифатини яхшилаш асосий йўналишлардан биридир (Д.А.Асадов, 2009; Н.В.Устинова, 2016; Н.С.Мухамедова и др., 2020).

Тиббий ёрдам кўрсатилишида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ҳам ушбу фаолиятни такомиллаштиришга хизмат қиласди. Мазкур масалада тиббий ходимларнинг касб ҳуқуқбузарликлари ҳолларида ўтказилган комиссион суд-тиббий экспертизалар (КСТЭ) ўзига хос ўрин тутади (И.В.Вакуленко, 2017; З.А.Гиясов и др. 2019).

**Тадқиқотнинг мақсади** – болаларда тиббий ёрдам нуқсонлари (ТЁН) хусусиятларини ўрганиш.

**Тадқиқот материалы ва усуллари.** Фарғона вилоятида 2012-2021 йилларда болаларга тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳоллари билан боғлиқ КСТЭ материаллари тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди. Ушбу даврда экспертиза ўтказилган 172 ҳолатда жами 185 ТЁН аниқланиб, улар махсус ишлаб чиқилган таснифга биноан атрофлича таҳлил қилинди. Бу жараёнда қайси соҳа мутаҳассиси томонида ва қаерда камчиликка йўл қўйилгани, нуқсоннинг моҳияти ва эксперталар комиссиясининг фикрига кўра вужудга келиш сабаблари, шунингдек якуний оқибатга таъсир даражаси каби масалаларга эътибор берилди. Таҳлил натижаларига тегишли статистик ишлов берилди.

**Тадқиқот натижалари.** Аниқланган ТЁН нинг қарийиб учдан икки қисми – 110 таси (63,9%) бир ёшгача бўлган болаларга тиббий ёрдам кўрсатилишида йўл қўйилган бўлиб, бу ҳолатларнинг бешдан бир қисми (22 таси) неонатал даврга тўғри келади. Экспертиза материаллари бўйича кўпроқ ТЁНлари педиатрлар (41,6%), умумий амалиёт шифокорлари (15,1%), ўрта тиббий ходимлар (15,7%) ҳиссасига тўғри келган. Нуқсонларнинг ярмига якини (49,7%) стационар босқичи тиббий муассасаларида, кўпроқ туман марказий шифохоналарида кузатилган. Нуқсонларнинг 45,9%и амбулатор муассасалар, асосан қишлоқ врачлик пунктлари тиббий ходимлари томонидан йўл қўйилган.

Моҳиятига кўра ТЁНлар кўпроқ диагностика ва даволаш муолажаларини ўтказишида кузатилган билан боғлиқ бўлган (тегишли тарзда 47,0% ва 49,7%). Жами диагностика (87та) нуқсонларининг 95,4%и асосий касаллик ёки жароҳатнинг аниқланмаслиги кўринишида бўлса, даволаш нуқсонлари (92) асосан тиббий муолажаларни тайинлаш, ўтказишдаги камчиликлар (67,4%), беморларни шифохонага кеч ётқизиш (13,0%) ва хирургик даволашдаги камчиликлардан (9,8%) иборат бўлган.

Тиббий ҳодимларнинг фаолиятини ҳуқуқий баҳолашда улар томонидан йўл қўйилган нуқсонларнинг вужудга келиш сабабларини ҳамда bemорнинг соғлиғи ва ҳаётига таъсир даражасини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Амалдаги меъёрий хужжатларда мазкур масалаларга эксперталар комиссияси хulosаларида аниқлик киритилиши лозимлиги таъкидланган. КСТЭ материаллари бўйича ТЁНларнинг 80,0%и - субъектив 15,7% - ташкилий ва 4,3% - обьектив сабаблар бўйича вужудга келган. Субъектив сабаблар асосан bemорга эътиборсизлик (73,6%) ва тиббий ходим малакасининг етарли эмаслиги (26,4%) бўлса, ташкилий сабаблар даволаш-диагностика жараёнини ташкиллаштириш камчиликлар, тегишли изчилликнинг

йўқлигидан иборат бўлган. Объектив сабабларга қўра вужудга келган 8 та ҳолатнинг 7 таси беморнинг тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилиши билан боғлиқ бўлган.

Болаларга тиббий ёрдам кўрсатишда аниқланган нуқсонларнинг катта қисми оқибатга жиддий таъсир кўрсатган. Хусусан, 137 та ТЁН (74,1%) оқибатга салмоқли таъсир қилиб, ўлимнинг юзага келишига мойиллик яратган бўлса, 7 ҳолатда (3,8%) улар ўлимнинг бевосита сабаби бўлган. Нуқсонларнинг 14,6%и даволаниш муддатининг чўзилишига олиб келган.

**Хулоса.** КСТЭ материаллари бўйича болаларга тиббий ёрдам кўрсатилишида йўл қўйилган нуқсонларнинг таҳлилига асосан қўйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Нуқсонларнинг учдан икки қисмига яқини гўдакларга тиббий ёрдам кўрсатишда йўл қўйилади. ТЁНлар кўпроқ педиатр, умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ўрта тиббий ходимларнинг фаолитида, қишлоқ врачлик пунктлари ва туман шифохоналарида кузатилади.

2. Моҳияти бўйича кўпроқ даволаш ва диагностика нуқсонларига қўл қўйилиб, улар асосан тиббий муолажаларни тайинлаш, ўтказишдаги камчиликлар ҳамда асоссий касалликни аниқланмаслиги дан иборат бўлган.

3. ТЁНларнинг 80,0%и субъектив сабаблар бўйича вужудга келиб, уларнинг аксарияти бемор ўлимининг вужудга келишига салмоқли таъсир қилган.

4. Болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилашга доир чоратадбирларни ишлаб чиқишида КСТЭ материаллари таҳлили натижаларини инобатга олиш мақсадга мувофик.

## **ЛИТЕРАТУРА:**

1. Асадов Д.А. - Стратегия реформ здравоохранения с позиции Всемирной организации здравоохранения. – Мед.журнал Узбекистана, 2009,3, с. 7-11.
2. Вакуленко И.В. – Экспертная и правовая оценка дефектов оказания медицинской помощи. - Автореферат дисс. канд. мед. наук, Астрахань, 2017, 23с.
3. Гиясов З.А., Назарова М.М., Бахриев И.И., Хакимов С.А., Вафоев З.Б. – К вопросу экспертной оценки медицинской помощи детям и подросткам. - Вестник ТМА, 2019,1, с. 49-52.
4. Мухамедова Н.С., Расулова Н.Ф., Джалилова Г.А. – Роль врача-педиатра в первичном звене медицинской помощи. – Вестник ТМА, 2020,4, с. 189-191.
5. Устинова Н.В. – Современное состояние и направления научно-практического развития социальной педиатрии. – Автореферат дисс. докт.мед. наук, Москва, 2016, 47с.